Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 212 (20. 479) • 1989 йил 14 сентябрь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Ўзбекистон райони «Ғаниобод» совхозидаги Усмонжон Акбаров бошлиқ оилавий пудрат аъзолари Фарғона областида биринчи бўлиб давлатга «оқ олтин» топшириш йиллик планини бажардилар.

Оилавий пудрат аъзолари Сайрамхон Акбарова, Майрамхон Ғозиева кунига 140-160 килограммдан пахта териб, планнинг эрта адо этилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар даладаги мавжуд ҳосил чўғини чамалаб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга бел боғлашди.

А. ПАТТОЕВ.

Дунё овози

ПЛЕНУМ ИШ БОШЛАДИ

● БУДАПЕШТ

Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг пленуми иш бошлади.

Пленум қатнашчилари манфаатларни мувофиқлаштиришга оид уч томонлама сиёсий мунозараларнинг борыши тўғрисидаги ахборотни тинглаб, ҳисобот доклад тезисларини муҳокама қиладилар, партиянинг программавий баёноти ва устави лойиҳаси тўғрисида фикр билдирадилар, шунингдек ВСИП съездини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан қарорлар қабул қиладилар.

Марказий Комитет кун тартиби доирасида ВСИПнинг Европадаги ва жаҳон экономикасидаги сиёсати стратегиясини кўриб чиқади. 1989 йилги иқтисодий жараёнлар тўғрисида ахборот, шунингдек 1990 йилги иқтисодий сиёсат программасининг кўрсатмалари билан боғлиқ таклифларни тинглайди. Пленум партиянинг кооператив ҳаракатга нисбатан муносабатини ишлаб чиқади.

ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАР ҚАЙТАРИЛДИ

● ПЕКИН

Ёзнинг бошларида Пекинда бўлиб ўтган ҳукуматга қарши тартибсизликлар чоғида ўғирланган олтита автомат, учта тўппонча, қўл гранаталари ва патронлар шаҳар полициясига топширилди.

Қурол-яроғларнинг бир қисмини уларни ўғирлаган кишиларнинг ўзлари ихтиёрий равишда маъмурларга қайтариб бердилар, деб хабар берди бугун пойтахтда чиқадиган «Бэйцзин жибао» газетаси. Қуролни ўз ихтиёри билан топширган 7 киши суд жавобгарлигидан озод қилинди.

Ўтган жума куни полиция қўлга олган қурол ўғрилари группаларидан бирини Пекин суди 2 йилдан 13 йилгача муддат билан қамоққа ҳукм қилди. Муниципал маъмурлар қуролни ҳамон яшириб турган барча кишиларни уни дарҳол топширишга даъват этдилар.

БОШ МИНИСТР ТАШРИФИ

● ЛОНДОН

Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчер кутилмаганда Шимолий Ирландияга ташриф буюрди. Ҳукумат бошлиғи тушган самолёт эрта тонгда Британия қироллик ҳарбий ҳаво кучларининг Олдергроув деган жойдаги (Белфаст) базасига қўнди.

М. Тэтчер у ердан вертолетга ўтириб Лондондерри яқинида жойлашган Кэмпси саноат комплексига йўл олди. Ҳукумат бошлиғи расмий вакилларининг маълум қилишича, М. Тэтчернинг сафардан мақсади — Шимолий Ирландия савдо-саноат доиралари ва хавфсизлик кучларининг раҳбарлари билан музокаралар олиб боришдир. Сафарнинг аниқ маршрути қатъий сир сақланмоқда, чунки полиция унга нисбатан террорчилик ҳаракатлари амалга оширилиши мумкин, деб хавотирланмоқда. Бош министр борган барча районлар қуршаб олиниб, текшириб чиқилмоқда.

М. Тэтчернинг Шимолий Ирландияга келиши мазкур вилоятда кескинлик ғоят кучайган бир вақтга тўғри келди.

ДИКТАТУРАГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК

● БУЭНОС-АЙРЕС

Чилидан олинган хабарларга кўра, мазкур мамлакат халқи ҳарбий тўнтаришнинг 16 йиллигини Пиночет диктатурасига қарши кўпдан-кўп норозилик ҳаракатлари билан нишонлади. Ана шу тўнтариш натижасида халқ бирлиги ҳукумати ағдарилиб, президент Сальвадор Альенде ўлдирилган эди.

Мамлакат пойтахти Сантьягода намойиш қатнашчилари исёнчилар қийноққа солган ватанпарварларни хотирлаб, марказий стадион олдига гуллар қўйишди. Исёнчилар тўнтаришдан кейинги дастлабки ҳафталарда мана шу спорт майдонини жуда катта қамоқ лагерига айлантиргандилар. Шаҳарнинг минглаб аҳолиси мотам либосида шаҳар кўчаларидан марказий қабристонга йўл олди. С. Альенденинг тўнтариш чоғида ҳалок бўлган сафдошлари шу қабристонга дафн этилган эдилар. Полиция намойишчиларга қарши сув пуркагичлар ва кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланди, бироқ намойишчилардан бир неча киши ватанпарварлар дафн этилган жойга ёриб киришга ва у ерга гулдасталар қўйишга муваффақ бўлди.

Чилининг Виньа-дель-мар шаҳридаги С. Альенде хоки қўйилган қабристонда халқ президентининг хотирасига бағишланган кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтди.

СОВЕТ РАССОМИ КЎРГАЗМАСИ

● ПХЕНЬЯН

Кореянинг тасвирий санъат давлат марказий музейида пхеньянликлар учун одатдан ташқари бадиий кўргазма очилди. Кўргазма ҳажми унчалик катта эмаслигига қарамай, у ғўзаллик нахлосмандларида зўр қизиқиш уйғотди.

Мамлакатнинг мана шу асосий картиналар галереясида тошкентлик совет рассоми корейс миллатига мансуб Владимир Ан ўзининг мўйқаламда ишланган юздан ортиқ асарини намойиш қилди.

Аждодларимиз ватанида ўз санъатимни намойиш қилиш мен учун катта шарафдир, деди В. Ан КХДР маданият министрлигининг ташаббуси билан уюштирилган экспозициянинг очилишида. Шарқ халқларининг фольклор мавзулари рассом ижодига асос қилиб олинган. Бу ерда намойиш қилинган кўпдан-кўп тўғноғичлар, бўйинга тақиладиган занжирлар, лок юғуртирилган ғаладончаларда жуда нафис, ҳатто кўзга кўринар-кўринмас расмлар туширилиб, уларда ўзбек халқ эртаклари, шунингдек корейс афсоналари ва фольклори сюжетлари тасвирланган.

(ТАСС).

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

КАПИТАЛ РЕМОНТСИЗ

Поп районидаги 2-механизациялашган кўчма колоннада вақтдан ўзиб меҳнат қилаётганлар анчагина. Улардан бири — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати, экскаватор машинисти Рўзибой Сулаймонов.

Яқинда Рўзибойнинг иш календарида 1992 йилнинг март ойи ҳисоби очилди. У ўн иккинчи беш йиллик бошидан буён 1 миллион 150 минг кубометр тупроқ ишларини бажарди.

Экскаваторчининг ҳар дақиқадан унумли фойдаланиши, ўз техникасига доимо эътибор бериши ютуқлар гарови бўляпти. У машинасини 5 йилдирки капитал ремонт қилгани йўқ. Ўтган 8 ой ичида эса 400 килограмм дизель ёнилғиси тежаб қолди.

Рўзибойнинг шогирдлари Б. Сулаймонов, А. Ҳошимов, Н. Нурматов каби экскаваторчилар ҳам беш йиллик планларини уддалашди.

С. ҚУЧҚОРОВ,
Наманган области.

ҚУРУВЧИЛАР АҲДИ

Ғиждувон шаҳрида пойабзал фабрикаси қурилиши жадал олиб бориляпти. Объектни 206-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этишмоқда.

Коллектив ўтган йили 800 минг сўмлик, 1989 йилнинг саккиз ойида эса 690 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажарди. Қўли гул бунёдкорлар йил охригача яна 310 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилишган.

Айни кунларда колоннанинг Ражаб Самадов етакчилигидаги бетончилар, Файзулла Иноятов бошлиқ комплекс қурувчилар, Муҳаммад Аҳмедов бошлиқ арматурачилар бригадалари самарали ишлаяпти. Улар ҳар сменада нормадагидан 5—10 фоиз кўп иш бажаришга эришмоқдалар.

Қурувчилар янги фабрикани 1990 йилнинг иккинчи кварталигача фойдаланишга топширишга сўз беришди. Фабрика ишга тушгач, 500 киши иш билан таъминланади ва йилига 800 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади.

Т. МАҚСУДОВ,
Бухоро области.



ИЛҒОРЛИК НАМУНАСИ

Тошкентдаги «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи халқ хўжалиги топшириқларини бажариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш учун кун сайин жадал меҳнат қилмоқда. Бу борада корхонанинг ажойиб меҳнатсевар ишчилари ташаббус кўрсатиб ишлашяпти. Хусусан корхона лабораториясининг бошлиғи Тамара Насриддинованинг жонкуярлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Корхонанинг етакчи ишчиси Екатерина Чуканова ҳозир келгуси йил ҳисобига меҳнат қиляпти. У бажарган ишлар ўзининг пишиқпухталиги билан доимо ажралиб туради. Ишчи Қодир Муҳиддиновнинг фаолияти ғайриқса корхона учун фойдали. Машина-механизмларвачиг ҳамиша бетўхтов ишлашида унинг катта ҳиссаси бор. У созлаган дастгоҳлар ҳамма вақт унумли ишлайди.

Илғор ишчиларнинг ибратли бошқаларга ҳамиша намуна. Кундалик ва ойлик топшириқларини 110—120 процентдан адо этаётган ишчилар келгуси йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқдалар.

Суратда: Тамара Насриддинова, Екатерина Чуканова, Қодир Муҳиддиновлар.

Т. Каримов сурати.

1989 йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистон ССР саноати ишининг якунлари тўғрисида

1989 йилдан бошлаб республиканинг бутун саноати тўла хўжалик ҳисобига ўтди. Хўжалик ҳисобининг иккинчи модели бўйича 1989 йилнинг январь-август ойларида 91 бирлашма ва корхона, ижара пудратида эса 12 бирлашма ва корхона ишлади.

Республика саноати маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини 98,8 процент қилиб бажарди (1988 йилнинг тегишли даврида бу кўрсаткич 98,6 процент адо этилган эди). Давлат буюртмаси ва истеъмолчилар билан бевосита алоқаларда белгилаб қўйилган шартнома мажбуриятларини жами бирлашмалар ва корхоналарнинг 20 процентги адо этмади, улар 153 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар (ўтган йилнинг январь-август ойларида бу кўрсаткичлар тегишли равишда 21 процент ва 173 миллион сўм бўлган эди).

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,9 процент кўпайди, пахта тозалаш саноати корхоналари ҳисобга олинмаганда бу кўрсаткич 4,5 процентни ташкил этди.

Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноатининг иши тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилмоқда (процент ҳисобида).

	Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши	Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар салмоғи	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг амалдаги ўсиш суръатлари
Ўзбекистон ССР	98,8	153	20	6,9
Қорақалпоғистон АССР	98,4	5,8	17	12,7
Андижон области	98,0	15,5	25	12,7
Бухоро области	99,0	9,5	13	8,5
Қашқадарё области	99,9	09	7	16,5
Наманган области	99,3	5,3	19	9,2
Самарқанд области	99,0	10,8	27	7,9
Сурхондарё области	99,0	4,5	23	-3,3
Сирдарё области	98,8	5,7	10	18,5
Тошкент области	98,3	39,4	21	4,7
Фарғона области	98,5	25,8	23	4,0
Хоразм области	99,8	1,1	10	18,2
Тошкент шаҳри	99,0	28,5	23	2,2

6,9 миллиард сўмлик (чакана нархларда) халқ истеъмоли товарлари (алкоголли ичимликлар қийматисиз) ишлаб чиқарилди. Еки бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 511,8 миллион сўм (8,1 процент) кўп бўлди. Чакана нахларга қўшимча нарх қўйиб сотилаётган енгил саноат буюмлари ҳисобга олинмаганда товарлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши 7,0 процентни ташкил этди.

Бир қанча корхоналарда стандартларга мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш давом этмоқда, бунинг оқибатида давлат қабули шароитида ишлаётган корхоналарда январь-август ойларида биринчи тақдимда 131 миллион сўмлик 7 процент маҳсулот қабул қилинмади, 730 минг сўмлик маҳсулот узил-кесил бракка чиқарилди.

Халқ хўжалиги комплексларининг 1989 йил январь-август ойларидаги фаолияти кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан ифоделанади (процент ҳисобида):

	Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши	Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	Шартнома мажбуриятларини бажармаган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар салмоғи	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг амалдаги ўсиш суръатлари
Енилги-энергетика комплекси	100,0	—	—	8,0
Металлургия комплекси	97,7	18,0	55	7,1
Машинасозлик комплекси	99,3	12,0	38	0,7
Химия-ўрмон комплекси	97,1	42,3	33	1,6
Агросаноат комплекси	99,4	30,7	15	12,1
Социал комплекс (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги)	99,0	26,5	11	6,1
Қурилиш комплекси (Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети)	96,8	12,6	52	1,6

Енилги энергетика комплексида кўмир, нефть ва газ қазиб олиш топшириқлари бажарилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларни қазиб олиш кўпайди.

Металлургия комплекси корхоналари пўлат эритиш топшириқларини бажармадилар. Ўзбекистон металлургия заводи прокат ишлаб чиқариш давлат буюртмасини бажармади (80 процент), корхона 15,6 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермади.

Машинасозлик комплексида машина ва ускуналарнинг бир қанча турларини ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Давлат буюртмасининг енгил саноат ва агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқлари учун технология ускуналари тайёрлаш топшириқлари бажарилди.

Айни вақтда ўзгарувчан ток электр двигателлари, экскаваторлар, химия ускуналари, трактор прицеплари топшириқларининг бажарилиши таъминланмади ва уларни чиқариш камайди.

СССР Электротехника саноати министрлиги (3,6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади), СССР Йўл қурилиши ва коммунал хўжалик машинасозлиги министрлиги (4,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади) ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишида жуда катта қолоқликкa йўл қўйдилар.

Машинасозлик заводлари ҳамон бир маромда ишламаяпти. Август ойининг охиридаги тўрт кунда корхоналар автоматлаштириш асбоблари ва воситаларининг 80 процентга яқинини («Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси), қишлоқ хўжалик машиналари ойлик ҳажмининг ярмидан кўпроғини («Узбексельмаш» заводи), электр кўприксимон кранлари ойлик ҳажмининг учдан бирга яқинини («Подъёмник» заводи), электр двигателларнинг ҳам ойлик ҳажмининг учдан бирига яқинини («Электродвигатель» заводи) ишлаб чиқардилар.

Химия-ўрмон комплекси корхоналари ўсимликларни ҳимоя қилиш химия воситалари, полимер плёнка, термопластлардан ясалган қувурлар ва қувурларнинг деталларини, қоғоз, картон, ёғоч-тахта ишлаб чиқариш топшириқларини бажардилар. Айни вақтда минерал ўғит, сульфат кислота, химиявий тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қолоқлик ҳамон сақланиб қолмоқда.

СССР Ўғит саноати министрлигига қарашли корхоналар маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларни бажаришда жуда кўп (21,1 миллион сўм) қарз бўлиб қолдилар.

Қурилиш комплекси корхоналари илгари бўлганидек, ҳозир ҳам планлаштирилган ҳажмларда цемент, шифер, қурилишбоп ғишт, йиғма темир-бетон, пардозбоп кошинлар ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминламаяптилар.

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитетининг корхоналари маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларини бажармадилар (96,8 процент). Оҳангарондаги «Сантехлит» заводи (88,2 процент), «Тошкент» ёғочсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси (72,6 процент) катта қолоқликкa йўл қўйдилар.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари 26,5 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар. Андижондаги ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси жуда кўп (8,5 миллион сўм) қарз бўлиб қолди.

Истеъмолчилар анчагина ип калава, ип газлама, пайпоқларни кам олдилар.

Агросаноат комплекси бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларни тўла бажармадилар. Жами истеъмолчилар комплекси бўйича 30,7 миллион сўмлик ана шундай маҳсулот кам етказиб берилди, жумладан, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига қарашли корхоналар 25,5 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар.

Алкоголсиз ичимликлар, минерал сувлар, наали қадоқланган чой ишлаб чиқариш топшириқда кўзда тутилган даражага етмади. Озиқ-овқат бўладиган товар балиқ маҳсулоти, ёғлиқ пишлоқ ва шўрланг пишлоқ, консервалар ва бошқа маҳсулотлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кам ишлаб чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КОМИССИЯСИДА

11—12 сентябрь кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш масалалари комиссиясининг мажлиси бўлди.

Комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида унинг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ўртоқ А. С. Ефимов ахборот берди. Муҳокама қатнашчилари партия ички турмушини янгилашда сайлаб қўйиладиган органлар ролини янада ошириш, уларнинг партия аппаратига нисбатан раҳбарлик мавқеини тиклаш зарурлигини таъкидладилар.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кадрлар билан ишлаш истиқбол планига ва резервдаги кадрлар билан олиб бориладиган ишларни ташкил этишга оид методик тавсияларга баъзи ўзгаришлар киритиш тўғрисида фикрлашув бўлди. Республикада кадрлар билан олиб бориладиган ишни ошкора, демократик асосда қайта қуриш осон бўлмаётганлиги айтиб ўтилди. Кадрлар масалаларини ҳал этишда ижобий тенденцияларга қарамай, кўпинча анкета-номенклатура нуқтаи назаридан ёндашув устунлик қилмоқда, маҳфийликка қайтишга уринишлар барҳам топмаган. Партия комитетлари кадрларни танлашда ҳамон жамоатчилик фикрини ўрганишга енгил-елпи муносабатда бўлмоқдалар, ошкоралик ва фикрлар хилма-хиллиги вазиятида иш тажрибаси орттиришда сусткашлик қилмоқдалар. Кадрлар резерви билан олиб бориладиган ишларда расмиятчилик бартараф этилмаган. Шу муносабат билан республика партия ташкилотида кадрлар сиёсати борасида авж олдирилаётган демократиялаш ва ошкоралик жараёнларини чуқурлаштириш, раҳбарлар ва резервларни танлашда, улар фаолияти устидан назоратни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга оид комплекс тадбирлар муҳокама қилинаётган ҳужжатларга асос қилиб олинганига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг тавсияларига мувофиқ комиссия аъзолари бошланғич партия ташкилотлари, партия комитетлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети резерви составига тавсия этган айрим ходимлар билан суҳбатлар ўтказдилар.

Раҳбарликнинг сиёсий методларини қатъият билан эгаллаш, кадрлар резервининг қайта қуришни амалга оширишда, иқтисодий ислоҳотни янада фаоллаштиришда, социал-иқтисодий вазиятни соғломлаштиришда бундан буён ҳам зўр ғайрат билан иштирок этиши, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал этиш зарурлиги айтиб ўтилди. Кадрлар резервининг сиёсий система ислоҳотини амалга оширишдаги иштирокига, халқ депутатлари Советлари тўла ҳокимиятини таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Марказий Комитетнинг барча комиссиялари Марказий Комитет кадрлар резервига тавсия этилган кишилар билан ўз соҳалари бўйича суҳбат ўтказиши таклиф қилинди. Бунда ана шу иш тутгандан кейин резервлар составини узил-кесил аниқлаш назарда тутилади.

Республика партия ташкилотида ўтказилаётган ҳисобот ва сайлов йиғилишларининг бориши муҳокама қилинди. Бир қанча партия ташкилотларида ҳисобот сайлов йиғилишлари эскича, кўпинча ҳозирги замоннинг мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларидан, меҳнат коллективларининг ўткир социал-иқтисодий муаммоларидан ажралган ҳолда ўтаётганлиги хусусида ҳавотирлик билдирилди, бу йиғилишларда кўпгина партия ташкилотларининг обрўси пасайиб кетаётганлиги ва улар ҳаққоний танқид қилинаётганлиги сабаблари хусусида ошкора баҳс юритилмаяпти, коммунистларнинг ролини ва уларнинг қайта қуриш тақдири учун масъулиятини оширишнинг конкрет программаси ишлаб чиқилмаяпти.

СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банкидан

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ РЕГИСТОН АНСАМБЛИ ТАСВИРЛАНГАН ЭСДАЛИК ТАНГАЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

1989 йил 13 сентябрда Самарқанд шаҳридаги Регистон ансамбли тасвирланган 5 сўмлик эсдалик танга муомалага чиқарилади.

5 сўмлик эсдалик танга оқ туседаги мис-никель қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 35 миллиметрлик доира шаклида бўлади.

Тангانинг олд ва орқа томонида айланасига бўртиқ ҳошияси бўлади.

Тангانинг олд томонида СССР Давлат герби жойлашган бўлиб, «СССР», «5 сўм» ва «1989» ёзувлари бор.

Тангانинг орт томонида Ўзбекистон ССРнинг Самарқанд шаҳридаги учта мадрасадан иборат Регистон Ансамбли ўйиб тасвирланган, юқори қисмида «Регистон», «XV—XVII асрлар» (ансамбль барпо этилган даври) ёзувлари ҳамда миллий безакнинг бир қисми, пастида эса — ҳошия ва «Самарқанд» деган ёзув бор.

Тангانинг ён сатҳида «беш сўм» сўзлари икки марта ўйиб ёзилган бўлиб, бир-биридан иккита юлдузча билан ажратилган.

Самарқанд шаҳридаги Регистон ансамбли тасвирланган эсдалик танга муомалага 2 миллион нусхада, шу жумладан 0,3 миллионта сифати яхшиланган нусхада чиқарилади.

Мазкур танга ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар қаторида давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар ва айрим шахслар томонидан тўловларнинг ҳамма турларида ўз нархида, шунингдек СССР банклари муассасаларида ва алоқа министрлиги корхоналарида жорий, расчёт счётларига қўшиш, омонатлар, аккредитивларга ҳамда бошқа жойларга юбориш учун ҳеч қандай чеклашсиз қабул қилиниши шарт.

• *Партия турмуши: қайта қуриш*

МУҲИТ ИЖОДИЙ БЎЛСА...

«Ҳозирги вазиятда кўпгина партия комитетлари ўз иш услуби ва усулларини қатъиян ўзгартириб, бошланғич ташкилотларнинг ролини ошириб, ташкилотчилик ва мафкуравий иш марказини омма орасига кўчириб, бунинг учун оммавий ахборот воситаларидан ҳам кенг фойдаланиб, ўз вазифаларини анча муваффақиятли амалга ошираётганликларини турмуш кўрсатиб турибди. Тажрибадан маълум бўлишича, бундай ёндашувлар райондаги, шаҳардаги муҳитни анча тез ўзгартирмоқда, партия органларини меҳнаткашлар билан яқинлаштирмоқда, кайфиятда ҳам, сиёсий ва хўжалик фаолиятида ҳам ўз натижаларини бермоқда» деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда қилган докладида.

Республикамизда қайта қуриш шароитларидан келиб чиқиб шундай янгича иш тутаётган ташкилотлардан бири Навоий шаҳар партия комитетидир. Шаҳарда экологик вазиятни соғломлаштириш юзасидан олиб борилаётган ташкилий-сиёсий ва идеологик ишлар айниқса диққатга сазовордир.

ТАШАББУСКОР ГРУППА—ҲАРАКАТДА

«Дўстлик байроғи» («Знамя дружбы») шаҳар газетасининг шу йил май ойи сонларидан бирида «Кун тартибида — экология» сарлавҳали кичик билдириш эълон қилинди. Унда шаҳар партия комитети ва ижроия комитети 3 июнь куни «Фарҳод» маданият саройида атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш бўйича саноат корхоналари раҳбарлари, бош мутахассислари ва назорат қилувчи органларнинг вакиллари билан учрашувга таклиф қилган эдилар.

Партия комитети фаоллар диққатини беҳудага бу масалага қаратмади. Меҳнаткашларнинг экологиядаги мавжуд аҳволдан норози эканликлари анчадан буён маълум эди. Бундан деярли уч йил муқаддам шаҳарда бу соҳада қабул қилинган илмий-техникавий программа амалга ошмай қоғозда қолиб кетаётгани жамоатчиликни жиддий ташвишга солиб қўяётган эди.

Қоғозбозликни бас қилиш вақти келди. Шаҳар партия комитети табиий муҳитни соғломлаштириш билан қатъий партиявий принципиаллик асосида жиддий шуғулланишни бундан бир йилча муқаддам режалаштириб қўйганди. Ушанда партия комитети ҳузурида табиий муҳитни муҳофаза этиш бўйича алоҳида ташаббускор ижодий группа тузилиб, унинг составига шу соҳа мутахассислари билан бирга меъморлар, инженерлар, олимлар, назорат қилиш ташкилотларининг ходимлари ҳам киритилди. Шаҳарком иккинчи секретари Б. Рўзиев ташаббускор группага раҳбарликни ўз зиммасига олди. Дарвоқе, у шу масала бўйича шаҳар Совети доимий комиссиясининг ҳам раиси эди.

Ташаббускор группа ўз фаолиятини республикамизнинг бошқа индустриал шаҳарларида бу иш қандай ташкил қилингани билан танишишдан бошлади. Тошкент ва Оҳангарон шаҳарларига юборилган вакиллар бу жойларда тўпланган тажрибани ўрганишди. Шу йил бошида эса группа таклифи билан социал-экологик программанинг молиявий таъминоти масаласи шаҳар Советининг сессиясида муҳокама қилинадиган бўлди. Бундан илгари совет Самарқанддаги «Эко» хўжалик ҳисобидаги илмий-экспериментал марказ билан шундай программами ишлаб чиқиш тўғрисида шартнома тузган эди. Ушбу программа маъқулланиб, умумий қиймати 400 минг сўм бўлган тадбирлар мажмуасини амалга оширишни шаҳар корхона ва ташкилотларининг ҳиссадорлиги асосида бажариш тўғрисида келишиб олинди. Уй-жой ва социал тадбирлар банкининг Навоий шаҳар бўлимида шу мақсадда «Шаҳар экология фонди» очилди.

«Фарҳод» маданият саройидаги ўша учрашув ниҳоятда қизғин ўтди. Навоийликлар «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кон металлургия комбинати, электрохимия заводи, ГРЭС ва яна бир қатор корхоналарнинг раҳбарлари, бош мутахассисларини экология тадбирларига етарли эътибор қилмай, шаҳар ҳавосини бузаётганликлари учун роса исканжага олишди. «Навоийазот» бирлашмаси ва ГРЭС раҳбарлари, айниқса мушкул аҳволда қолишди. Улар ҳатто «Шаҳар экология фонди»га ҳам ўз улушларини қўшишмаган экан.

Учрашувда фақат цемент заводи вакилларининг юзи шувут бўлмади. Чунки кейинги бир йил ичида корхонада бу соҳада анчагина ишлар қилинган эди. Бу тадбирларнинг ташаббускори эса бошланғич партия ташкилоти бўлди.

ТАЛАБЧАНЛИК ОШИРИЛГАЧ

Шу йилнинг бошида завод партия ташкилотининг умумий йиғилишида корхона директори Ф. Адам ҳам мана шундай исканжага олинган эди. Ушанда партия йиғилишида унинг ҳисоботи тингланди. Директор кейинги бир йилда корхонада содир бўлган ўзгаришлар, маҳсулот сифати яхшилангани тўғрисида гапирди, конкрет техника-иқтисодий кўрсаткичлар асосида коллектив фаолиятини таҳлил қилди.

Йиғилиш қатнашчилари эса корхонада экологик тадбирлар қандай амалга оширилаётгани тўғрисида директор коммунист сифатида ахборот беришини талаб этишди. Федор Яковлевич ўтган йили бу тадбирларга 816 минг 457 сўм сарфланганини айтди. Барча цемент тегирмонларида фильтрлар сифатли ремонт қилиниб, ишга туширилгани натижасида ҳавога цемент чангини чиқариб ташлаш тўртдан бир даража камайганини далиллаб берди. Коммунистлар қабул қилинган қарорда Ф. Адамнинг коммунист раҳбар сифатидаги фаолиятини маъқуллаган бўлишса ҳам, экология масалаларида масъулиятини оширишни талаб этишди. Келгусида ижро назорати тарзида бу масала бўйича бош инженер коммунист В. Холкин ҳисоботи тингланадиган бўлди.

Бундай талабчанлик коммунист ва партиясиз раҳбарларнинг масъулиятини оширди. Натижада шу йилнинг февралида заводнинг учинчи технологик линияси кўзда тутилган бешта бақувват фильтрларнинг барчаси созланганидан кейингина фойдаланишга топширилди. Май ойининг охиригача бир миллион сўмликдан знёд техникавий тадбирларнинг кўпчилиги жорий этилди. Пировардида бу ишлар ҳавога чанг чиқариш ҳажмини ўн минг тоннага қисқартиришга ёрдам берди. Ишлатиладиган табиий газни тозалаш 87,9 фоиздан 92 фоизга, технологик ускуналарни тозалаш мосламалари билан жиҳозлаш 48,4 фоиздан 93,4 фоизга етди.

Шунинг учун ҳам коммунист В. Холкин май ойининг сўнгги кунларидан бирида ўтказилган очиқ партия йиғилишида дадил ҳисобот берди. Амалга оширилган тадбирлар ва уларнинг самараси билан бир қаторда, ярим йўлда қолган режалар тўғрисида гапирди. Айбдор коммунист ва партиясиз раҳбарлар номини тилга олди.

Музокарада сўзга чиққан қизитиш цехи аспирация участкаси слесари коммунист Ҳ. Раҳмоновнинг нутқи йиғилишга, айниқса қизғин тус бағишлади.

— Ҳар куни эрталаб уйқудан уйғонишим билан, — деб сўз бошлади у, — деразамдан кўриниб турадиган заводимиз мўриларига назар ташлайман. Агар улардан оппоқ тутун бурқсиб чиқаётган бўлса, демак қайсидир масъулиятсиз ходим тозалаш фильтрларини ишлишда цех бошлиқлари У. Газетдинов, Б. Ражабов, А. Маҳмуджонов шанига қаттиқ танбеҳ сўзлари айтилди. Йиғилиш уларнинг партия аъзоси ёки аъзо эмаслигидан қатъи назар экология тадбирларга юз буришларини талаб қилди. Улар келгусида партия ташкилоти, коммунистлар фикри билан ҳисоблашиш кераклигини чуқур ҳис этишди.

Биз партия йиғилишидан кейин икки ой ўтгач, заводда бўлдик. Корхона партия ташкилотининг секретари А. Умаров кейинги даврда коммунистлар активлиги нақадар ўсганлигини аниқ мисоллар билан изоҳлаб берди.

— Ўша йиғилишдан кейин айрим коммунист ва партиясиз раҳбар ҳамда мутахассисларнинг ишга муносабатида кескин ўзгариш сезилиб қолди, — дейди у. — Йиғилишда ошкора айтилган танқиднинг таъсири зўр бўлади. Қизитиш цехининг бошлиғи Б. Ражабов ва унинг ўрин босари Б. Назаров ҳам атроф муҳитни соғломлаштириш учун ўзларини масъул ҳис этишмоқда. Коммунист ишчилардан А. Попов, Х. Раҳмонов белгиланган тадбирларни амалга оширишда уларга амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

...Завод цехларини айланиб, Навоий шаҳрига қайтар эканмиз унинг мўриларига назар ташладик. Ҳақиқатан ҳам ҳавога таралаётган оппоқ тутун оқими анча сусайган эди.

ЯНҒИЧА НАЗАР

Шаҳар партия комитети барча бошланғич ташкилотларда ишга янгича назар билан қарашни рағбатлантирмоқда. Биринчи навбатда шаҳарком аппарати ходимларининг ўзи бу соҳада ибрат кўрсатишга интилишмоқда. Буни яна бир конкрет мисол билан далиллаш мумкин.

Кейинги пайтда шаҳарда «Бирлик» норасмий уюшмасининг машинкада ёзилган ёки қўлда кўчирилган программаси кишилар қўлида пайдо бўлди. Албатта, худди ҳеч нарса бўлмагандек бу ҳодисадан кўз юмиш ҳам мумкин эди.

— Аммо биз бундай қилмадик, — дейди шаҳарком секретари О. Сашина. — Аксинча, норасмий уюшма вакилларини ошкора мулоқотга таклиф этдик. «Бирлик»чилардан садо чиқмагач ўзимиз шундай мунозарани ўтказишга аҳд қилдик...

Шаҳарком бу мунозарани ўзига хос услубда ўтказди. Давра столи атрофида тўпланганлар шартли равишда икки қарама-қарши гуруҳга ажратилди. Тошкент политехника институтининг шаҳардаги филиали ўқитувчилари Т. Дониёров, Х. Очилов, И. Мардонов, А. Собиров «Бирлик» программаси ҳимоясини ихтиёрий равишда ўз зиммаларига олишди. Бу улар «Бирлик» уюшмасининг аъзолари деган фикрни билдирмас эди, албатта. Партия пропагандистлари уларга оппонентлик ролини ўйнашди. Ўзига хос бу «сиёсий ўйин» норасмий уюшма программасидаги заиф бўғинларни очиб бериш, кишиларни баҳс-мунозарага жалб этиш мақсадида қилинди.

Суҳбатни шаҳар газетаси редактори И. Загоскин йўналтириб турди. Давра суҳбати деярли тўрт соат давом этди. «Бирлик»чилар программасида олға сурилган ҳар бир қоида атрофида астойдил мунозара қилинди. Суҳбатга томошабин сифатида келган навоийликлар кўп ўтмай унинг фаол қатнашчиларига айланишди. Программанинг ҳаракатдаги қонунчилик ва СССР Конституцияга зид жумлаларини ҳатто катта илмий даражадаги ўқитувчилар ҳам ҳимоя қила олмадилар.

Шундай қилиб, шаҳарком идеология фаоллари меҳнаткашлар билан жонли мулоқотнинг яна бир яхши сабоғини олишди. Энди уларда меҳнат коллективларидаги учрашувларда норасмий уюшма тўғрисида бериладиган ҳар қандай саволга жавоб тайёр эди.

Ҳа, Навоий шаҳар партия комитети идеология активи янгиликни ҳис қиладиган, тарғибот ишининг қотиб қолган усулларидан халос бўлишга интилаётган коммунистлар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда, аппарат ходимлари ўртасидаги лоқайдлик ўрнини ижодий муҳит эгалламоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ВИЗИТ ТУГАДИ

Индонезия республикасининг Президенти Сухарто 12 сентябрда Москвадан жўнаб кетди. У СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан мамлакатимизга расмий ташриф буюрган эди.

Катта Кремль саройининг Георгий залида индонезиялик меҳмонни кузатишга бағишланган расмий маросим бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев ва Р. М. Горбачева Индонезия Президенти ва унинг рафиқаси билан самимий хайрлашдилар.

* * *

Аэродромда меҳмонни ва унинг рафиқасини СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари М. И. Иброҳимов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни Сухарто В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

* * *

Индонезия Президенти СССР олмос фондининг кўргазмасини кўздан кечирди, Москва давлат йилқичилик хўжалигини бориб кўрди.

М. И. Иброҳимов меҳмон билан бирга бўлди.

(ТАСС).

• *Луқма*

ЎЗГАРИШ ЗАРУР

Бўстонлиқ автобус-таксомотор паркида қайта қуришни директорни тез-тез алмаштириб туришдан иборат деб тушунишмоқда. Тўрт йил давомида тўртта директор ўзгарди-ю, лекин аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ишида ўзгариш бўлмаяпти.

Биргина мисол. «Соцқарис — район касалхонаси» маршрутини тартибга солиш борасида йўловчилар бир неча бор автокорхона маъмуриятига мурожаат қилишди. Кўп югур-югурдан кейингина маршрутда икки ой давомида 64-63 номерли автобус қатнаб турди. Лекин янги директор И. Эгамбердиевнинг келиши билан бу маршрут бекитилди. Йўловчиларнинг ҳақли эътирозига янги бошлиқ: «Менга план керак», дея қўл силтаб қўяқолди. Ахир ойлаб автобус юрмаса, юрганда ҳам икки соатда бир марта (оралиқ масофа 11,9 километр) қатнаса, қандай қилиб план тўлиши мумкин? Очиғи, план учун курашиб меҳнаткашлар манфаатини оёқ ости қилиш, уларнинг талаб ва истакларига тўраларча қараш каби турғунлик даврининг одатларини автопарк раҳбарлари ҳалигача унута олганлари йўқ.

Биргина бу маршрут эмас, «Боғистон — Ғазалкент», «Бурчмулла — Ғазалкент», «Қизилсу — Ғазалкент», «Чорвоқ — Тошкент» каби маршрутларда ҳам автобус етишмайди.

Эзнинг иссиқ кунларида автобус кутиб турган Бўстонлиқ йўловчиларининг тоқатига қойил қоласиз. Ахир жазирамада соатлаб автобус кутишнинг ўзи бўладими. Мабодо, автобус кутаётган кишилар Бўстонлиқ автобус-таксомотор парки раҳбарлари бўлишса-чи? «Йўғ-э, бундай бўлиши мумкин эмас» дея мийғингизда куласиз. Ҳа, бундай бўлмаслиги аниқ. Чунки улар жамоат транспортида юришмайди-да. Акс ҳолда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдек олижаноб ишни ўз ҳолига ташлаб қўйишармиди?

Р. КЎЧАРОВ,
пенсионер.
Бўстонлиқ райони.

Ўзбекистон ССР Қонунлари лойиҳалари умумхалқ муҳокамасида

ИШОНЧ БЕЛГИСИ

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига депутатлар сайлови ҳақидаги Қонунлар лойиҳалари матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги республикамизда ҳам сиёсий ислоҳотни амалга ошириш, бутун ҳокимиятни Советларга топшириш юзасидан ўзига хос қадамдир.

Сиёсий ислоҳотнинг туб моҳияти шундаки, халққа, унинг донолиги, омилкорлиги ва ташаббускорлигига ишонч ортади, бутун ҳокимият халқ ўз ҳоҳиши-иродаси билан, ҳеч қандай тазйиқсиз эркин сайлаб қўядиган депутатлардан иборат Советлар қўлига ўтади. Бу В. И. Ленин таърифлаган ва ҳимоя қилган Советларни тиклаш йўлидаги тадбирдир.

В. И. Ленин бундай деган эди: «Совет ҳокимиятининг бутун кучи ишчиларнинг бизга ишончида ва уларнинг ишга онгли муносабатидадир». Ана шу ишончни тўла тиклаш пайти келди ва бу ҳаёт тақозосига айланди. Чунки жамиятнинг иқтисодий турмуши издан чиқди, экономиканинг ҳамма соҳаларида танг аҳвол вужудга келди. В. И. Ленин таъкидлаганидек, оғир пайт келганда Совет ҳокимиятидан бошқа ҳеч ким мамлакатни идора қила олмайди. Ҳозир ана шу оғир пайт келди.

Чинакам маънодаги демократия шароитида ўтказиладиган сайлов халқнинг ҳокимиятга, ҳокимиятнинг эса халққа ишончини мустаҳкамлайди, зеро бир томонлама ишонч ҳеч қачон мустаҳкам бўлмаган, бўлмайди ҳам.

Қонунлар лойиҳаларини тузиш чоғида СССР халқ депутатлари сайлови каби демократия ва ошкоралик мактабига айланган ибратли сайлов кампаниясидан тегишли хулосалар чиқарилгани, ундаги айрим камчиликлар ҳисобга олингани қувончлидир.

Маълумки, СССР халқ депутатлари сайловидан кейин жамоатчилик орасида, матбуотда ҳам округ сайловолди йиғилишлари қаттиқ танқид қилинди. Бюрократик аппарат ўзига ёқмаган номзодларнинг сайлов бюллетенларига ёзилишига йўл қўймаслик учун, ўзига мақбул номзодларнинг сайловда ғалаба қилиши учун сайлов механизмларининг худди шу воситасидан фойдаланди. Округ сайловолди йиғилишларига вакил юборишдан тортиб йиғилишнинг ўзи ҳам айрим округларда муайян аппарат таъсири ва тазйиқи билан ўтди.

Бинобарин, Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайлов тўғрисидаги Қонунларнинг лойиҳаларида чинакам демократия йўлидаги ана шу ғовни олиб ташлашни кўзда тутиш ҳар томонлама ўринли бўлар эди. Бу меҳнаткашларга, депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланган меҳнат коллективларига ва ниҳоят уларнинг лойиқ топган номзодларига ишонч белгисидир.

Тўғри, лойиҳаларда округ сайловолди йиғилишлари деган жумла йўқ, аммо бунинг ўрнига сайловчиларнинг конференцияларини ўтказиш кўзда тутулмоқдаки, ҳар иккисининг моҳияти бир хил.

Афсуски, қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этган кишиларда (лойиҳалар эълон қилинди-ю лекин уларни тайёрлашда кимлар қатнашгани эълон қилинмади) жамиятимизга, совет кишиларнинг сиёсий фаолиятига ишонсизлик билан қараш устунлик қилган.

Масалан, газеталарнинг 7 сентябрь сонида босилган «Социалистик демократияни ривожлантириш манфаатларини кўзлаб» сарлавҳали мақолада янги қонунларнинг моҳияти баён қилиб берилган, ундаги янгиликлар тушунтирилиб, янги қоидаларнинг мазмуни очиб берилган. Лекин шу мақолада социалистик демократияни ривожлантириш манфаатларига мос келмайдиган қоидалар ҳимоя қилиниб, бундай изоҳланади: «Сайлов кампаниясидан кўзда тутилган мақсад ҳокимият нолойиқ кишилар қўлига ўтиб қолиши имкониятини мумкин қадар камайтиришдан, агар иложи бўлса, бундай имкониятни йўққа чиқаришдан иборатдир».

Қани айтингчи, кимлар ўша нолойиқ кишилар? Бизнингча, нолойиқ кишилар ҳокимият органларига сайланиши имкониятини йўққа чиқаришнинг бирдан-бир йўли — демократияни ривожлантириш, халққа ўз ҳоҳиш-иродасини ўтказиш учун шароит яратиб беришдир. Лойиҳаларда эса «кўплар орасидан энг яхши номзодни танлаб олиш» учун сайлов округи вакилларининг конференцияларини ўтказиб, уларда кўрсатилган номзодларни элакдан ўтказиш таклиф қилиняпти.

Ана шуларни эътиборга олганда, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови ҳақидаги Қонун лойиҳасидаги сайлов округи вакилларининг конференцияси» деб аталган 32-моддани бутунлай чиқариб ташлаш керак.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР Маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақидаги Қонун лойиҳасида ҳам моҳият жиҳатдан Олий Совет депутатлари сайлови тўғрисидаги қонуннинг 32-моддасига ўхшаш қоида бор. Бу 23-моддаининг 6-бандидир. Унда округ сайлов комиссияси «зарур бўлган тақдирда округ сайловчилари вакилларининг конференциясини чақиради ва ўтказади» дейилган. «Зарур бўлган вазият»ни ким белгилайди? Бу қандай зарурат? Бундай англашилмовчиликларга сабаб бўладиган қоидалар қонунда бўлмаслиги керак. Бинобарин, мазкур бандни ҳам лойиҳадан чиқариб ташлаш ўринли бўлар эди.

Лойиҳага ҳар бир сайлов округидан исталганча номзод кўрсатилиши мумкин, деган мутлақо демократик қоида киритилган. Бу эса сайлов ўтказишни, тўғироғи сайлов бюллетенини тўлдиришни, овозларни санашни қийинлаштирадиган ҳолатни келтириб чиқариши мумкин. Яъни бир округдан бир мандатга ўн беш-йигирма номзод кўрсатилиши эҳтимоли йўқ эмас. Бир бюллетенга шунча номзод номининг ёзилиши сайлаш, яъни овоз беришни, сайловчи номзодлар орасидан ўз назарида энг муносибини танлашини қийинлаштиради.

Худди шуни назарда тутиб, яъни «кўплар орасидан энг яхши номзодни танлаб олиш» учун («ҳокимият нолойиқ кишилар қўлига ўтиб қолиши имконияти»дан қўрқиб эмас) сайлов округидаги сайловчилар вакилларининг сайловолди йиғилиши (конференцияси — гап номда эмас) ўтказилишини оқлаш мумкин. Башарти лойиҳа муаллифлари кўзда тутган мақсад ҳам шундай бўлса, у ҳолда 6-бандни аниқ ифодалаб: «Округдан депутатликка ўндан ортиқ номзод кўрсатилган бўлса, округ сайловчилари вакилларининг конференцияси чақирилади», деб бошлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шуни айтиш керакки, СССР халқ депутатлари сайлови сабоқлари тўлароқ ҳисобга олинган иттифоқдош республикаларнинг тегишли қонунлари лойиҳаларида округ сайловолди йиғилишлари ёки конференцияларни ўтказиш кўза тутилмаган.

Яна бир фикр. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳасида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказиш учун 500 та сайлов округи тузилиши ёзиб қўйилган. Бинобарин, маҳаллий Советларга сайлов ҳақидаги қонунда ҳам область, шаҳар, район, шаҳардаги район, шунингдек районга бўйсунувчи шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советларига сайланадиган депутатлар сонини белгилаб қўйиш ўринлидир. Масалан, Тошкент шаҳар Советига ва область Советларига 150 тадан 300 тагача, шаҳар ва район Советларига 75 тадан 100 тагача депутат сайланади ва ҳоказо.

Ниҳоят Қонуннинг номини ўзгартириш ҳақида. «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида» деб аташ ўринли бўлар эди.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
СССР Журналистлар союзи аъзоси.

• *XIV МЕНДЕЛЕЕВ СЪЕЗДИДА*

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Фан-техника тараққиётида химиянинг ролини ошириш муаммолари Тошкентда ўтаётган Менделеев съезди қатнашчиларининг диққат марказида турибди. ЎзТАГ мухбирлари съезд қатнашчиларидан ўзларининг анжуман иши ҳақидаги, унда муҳокама қилинаётган масалалар тўғрисидаги таассуротларини ўртоқлашишни сўрадилар.

А. В. Фокин — академик, Д. И. Менделеев номли Бутуниттифоқ химия жамиятининг президенти:

— Бизнинг кўнгилли жамиятимиз бугунги кунда ўз сафларида ярим миллионга яқин кишини бирлаштирган. Улар орасида тадқиқотчи-олимлар, инженерлар, технологлар, студентлар, новатор-ишчилар бор. Ўйлайманки, бу химия фанига қизиқиш ғоят кучаяётганидан, унинг аҳамияти муттасил ошиб бораётганидан далолат беради. Бугунги кунда фан-техника тараққиётининг барча устун йўналишлари бевосита ёки билвосита химия билан боғланган.

Ер юзида экологик мувозанат тобора сезиларли даражада бузилаётганлиги одамларда ташвиш уйғотаётганлиги тушунарлидир. Бунинг учун айб химияга эмас, балки уни саводсизларча ва ёмон қўллаётган кишилар зиммасига юкланишини айтиб ўтишимиз зарур. Масалан, қишлоқ хўжалигида химиявий ўғитлардан фойдаланишни олиб кўрайлик — далаларимизга солинаётган ўғитнинг ўн процентигина фойда беради. Қолган қисми эса фақат табиатга зарар келтирмоқда. Деҳқончилик практикасида, юмшоқ қилиб айтганда, бутунлай тушунарсиз қоида амал қилмоқда: ишлатилган ўғит ва пестицидларнинг самарадорлигига олинган ҳосилга қараб эмас, балки қанча ўғит кетганлигига қараб баҳо берилмоқда. Мана шу барча масалалар съездимизнинг кун тартибига қўйилган ва уларга холис баҳо берилади, деб ўйлаймиз.

* * *

Н. В. Лемаев — СССР химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министри:

— Табиат ва инсон олдида қарз бўлиб қолмай, тармоқни ривожлантириш учун химия фани бизга бераётган барча билимларни сарфлаш пайти келди. Етакчи химик олимларни тўплаган бу галги съезд кўпгина етилган иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга, илғор технологиялар сари йўл очиб беришга қўмаклашишига аминмиз. Ҳозирги замон фани экология жиҳатидан соф ишлаб чиқариш вазифасини ҳал этишга қодирдир.

Бугунги кунда ҳамон пахта яккаҳокимлиги устунлик қилиб келаётган Ўзбекистон муаммолари тушунарлидир. Бу борада химия ўз сўзини айтиши мумкин ва айтиши керак. Химиявий тола ва синтетик иплар ишлаб чиқаришни ривожлантириш — муаммони самарали ҳал этиш йўлларидан бирдир. Бу эса хом ашёга бўлган талабни қисқартириш имконини беради, пахтакорларни ялпи маҳсулот кетидан қувишдан халос этади. Синтетикани табиий пахта билан узвий боғлаш тўқимачилик саноати пишиқ ва сифатли материал ишлаб чиқаришига имкон беради. Табиий пахта бугунги кунда ҳам, келгусида ҳам зарур, аммо у фақат юқори сифатли бўлиши лозим.

Регионда химиявий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун жуда катта истиқболлар мавжуд. Биз бу ерда республика раҳбарлари билан учрашувларни режалаштирдик. Улар билан биргаликда келгусида химиялаштириш программасини белгилаб олишни мўлжаллаяпмиз. Бир қанча корхоналарда — «Ферганаоргсинтез», «Ўзбекрезинотехника» ойрлашмаларида, Тошкентдаги лак-бўёқ заводида ва бошқа заводларда бўламиз. Айни ана шу корхоналарда қайта қуриш учун, янада самарали корхоналар ташкил этиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Одамлар химия фани имкониятларидан яхши хабардор бўлмаганликлари сабабли уларда бу соҳага нисбатан салбий муносабат вужудга келяпти, деб ўйлайман. Масалан, Тошкентда «Совпластитал» Совет-Италия қўшма корхонаси бор. Бу ерда уч минг тонна хом ашёдан 45 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мумкин. Ана шу товарларга талаб жуда катта. Корхона республикага юз минг тонна полиэтилен етказиб бериши мумкин. Бу эса ҳосилдорликни кўпайтиришга, ерларни унумдор қилишга ёрдам беради.

Ҳозир институтларимиз яқинда ёпиб қўйилган янги Қўқон химия заводида ювиш воситалари ишлаб чиқариш имкониятини ўрганмоқда. Мазкур корхонанинг қуввати Ўзбекистоннинг ана шу ҳозир камчил бўлган товарларга эҳтиёжини тўла-тўкис қондириши мумкин. Ҳар бир гўшт комбинатида энг оддий технологияни жорий этиб, чиқиндилардан совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Ушанда ана шундай корхонанинг ҳар бири 2-3 минг тонна совун ишлаб чиқара олади. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатда бундай тажриба мавжуд. Маълумки, совун ўсимлик хом ашёсидан, жумладан пахта чиқиндиларидан ҳам ишлаб чиқарилади. Республика бу билан валютага эга бўлиши ва ўз саноатини ювиш воситалари ишлаб чиқариш учун хом ашё компонентлари билан таъминлаши мумкин. Фақат бунда меҳнат коллективларининг куч-ғайрати ва ташаббусини ишга солиш, шунингдек илғор ва ютуқларини кенг жорий этиш зарур.

* * *

Гетерборг университети (Швеция) профессори Д. Дирссен:

— Экология — химия фанининг қўшимча энг муҳим соҳасидир. Биз химикларни табиий муҳитни асосий булғатувчилар, деб ҳисоблашга кўникиб қолганмиз. Бироқ химиклар мана шу муҳитни ҳаммадан кўра ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодирдирлар. Тўғри, барча мамлакатларнинг кучғайратларини бирлаштирмай туриб, бу ишнинг уддасидан чиқиб бўлмайди.

Мен денгизларнинг химиявий булганиш муаммолари билан шуғулланаман, бир неча бор совет олимлари билан биргаликда тадқиқотларда ва экспедицияларда қатнашганман. Улар СССР Фанлар академияси океонология институти, геохимия ва аналитик химия институти, Москва университетининг олимларидир. Умумий ташвиш — Болтиқ денгизининг аҳволи бизни ҳамкасбларимиз билан бирлаштиради. Қора денгиз, Каспий денгизи ва бошқа денгизларда ҳам шундай муаммолар бор.

Ҳаракатларимизни бирлаштириш планетанинг сув ҳавзаларидаги экология вазиятни яхшилик сари ўзгартиришга ёрдам беради, деб умид қиламиз. Ҳозирги Менделеев съезднинг иши ҳам бунга кўмаклашиши керак.

Пойтахтимизда XIV Менделеев съезди давом этмоқда. Суратда: съезд делегатлари (чапдан ўнгга) СССР Фанлар академияси мухбир аъзолари А. М. Кутепов, Г. А. Ягодин ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги З. С. Салимов ўзаро мулоқотда.

А. Кошкин сурати (ЎзТАГ).

ХОСИЛ-89 БУТУН КУЧ—ҲОСИЛНИ ТЕЗ ВА СОЗ ТЕРИБ ОЛИШГА!

● Йиғим-терим ишларининг суръати ва сифати даставвал масъулиятли мавсумга қай даражада ҳозирлик кўрилганлигига боғлиқ. Бинобарин, юксак хирмон учун курашнинг ҳал қилувчи даврига пухта шайланиш, тош-торози хўжалигини, пахта заводлари, тайёрлов пунктлари ва қурилиш-тозалаш цехларини тахт қилиш — шу кунниинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси.

● Қизғин юмушлар ва қайноқ ишлар билан кунлар энг тез ўтиб бормоқда. Муҳим агротехник тадбир — ғўза баргини сунъий тўктиришда фурсатни бой берманг. Бу ишни энг қисқа муддатларда, сифатли амалга оширишга эришинг.

● Терим мавсумида хўжаликлардаги барча бўғинларнинг пухта ва аниқ ишлаши талаб этилади. Зеро, тайёргарлик ишларида майда-чуйда масалалар бўлмайди. Уларнинг оби-тобида, беками-кўст бажарилишини таъминлайлик.

● Далада ишлаётган кишиларнинг ҳаммасини меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан қуршаб олиш, уларнинг унумли меҳнат қилиши учун энг яхши маданий-маиший шароитлар яратиб бериш — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари ходимларининг муқаддас бурчи. Шаҳарлардаги корхоналарнинг ишчилари, савдо, маиший хизмат, медицина ходимлари, санъаткорлар ҳам бу ишдан четда турмасликлари лозим.

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ДАЛАДА

Хоразм вилоятининг Боғот районидаги асосан шоличилиққа ихтисослашган «Боғот» совхози деҳқонлари қирмизи дон билан бирга пахтачилик билан ҳам шуғулланадилар. Бу йил 650 гектар майдонда пахта етиштирилди. Совхоз ижарачилари областда биринчи бўлиб теримни бошлаб юборишган эди. Уруғлик пахта қўлда териб олинди.

Совхоз пахтакорлари областда биринчи бўлиб «зангори кема»ларни далага олиб чиқишди. Хўжалик мирзакорлари бу йил она-Ватанга ҳар гектар майдондан 32,3 центнердан, жами 2100 тонна хом ашё сотишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Шуниси диққатга сазоворки, улар ҳосилнинг асосий қисмини терим машиналари бункеридан ағдаришга аҳд қилишган. Хўжаликда терим суръатини тобора оширишда моҳир пахтакор Қодир Оллоберганов етакчилигидаги бригада коллективи пешқадамлик қилаётир. Ўз касбининг устаси ҳисобланган таниқли механизатор Жаббор Тоҳиров ҳамкасблари ўртасида илғорликни қўлдан бермаётир. У ўтган йили ўз машинаси бункеридан 280 тонна пахта тўккан бўлса, бу йил унинг нияти — шу кўрсаткични 300 тоннага етказиш. Кўпчилик моҳир механизаторлар қатори ёш механизатор Умида Сафарбоева ҳам юксак марраии эгаллашга ҳаракат қилаётир. У бу йил машинаси билан 150 тонна пахта теришни мўлжалламоқда.

Суратларда: 1. Моҳир механизатор Жаббор Тоҳиров билан бригада бошлиғи Қодир Оллоберганов ҳосил чўғидан мамнун. 2. «Зангори кема»лар далада.

Суратларни О. ИСКАНДАРОВ билан Ш. ИБРОҲИМОВ тасвирга туширишган.

● *Пахта штаби йўқламаси*

МАШИНАЛАР ШАЙ, АММО...

Баҳордан буён турли-туман йиғилишларда ҳосилнинг катта қисмини машиналар ёрдамида териб олиш ҳақида қуруқ ваъдалар берилади. Оғизда ҳамма теримни механизациялаштириш тарафдори. Бироқ ҳанузгача ҳашарчилар ёрдамидан тўла воз кечилмаяпти. Ҳар йили мавсум якунида машина терими планларнинг бажарилиши раҳбарларни ҳижолатга қўймоқда.

Тўғри, машина теримини яхши йўлга қўйган хўжаликлар анчагина. Ўзбекистон, Фрунзе, Киров районлари механизаторлари ҳосил йиғим-теримига салмоқли ҳисса қўшишади. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай эмас. Масалан, Ленинград районн хўжаликларида ўтган йили машина терими плани 21,7, Бувайда районда 35 процентга бажарилди, холос. Фарғона, Қува районларидаги аҳвол бундан ҳам ташвишлироқ. Қизиғи шундаки, ўтган йили барча районларда машиналар ремонти барвақт тугалланиб, агрегатлар старт чизиғига келтириб қўйилган эди. Афсуски, кўплаб «зангори кема»лар ана шу чизиқдан бир қадам ҳам қўзғалмади. Демак, комбайнлар ремонтига кетган харажат ва вақт беҳуда совурилди. Хўжаликлар ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтаётган бир пайтда хўжакўрсинга турадиган техникаларни сотишга анча маблағ беҳуда кетди. Бу йил ҳам ана шу аҳвол такрорланмасмикин?

— Ўтган йили мавсум арафасида 13 та пахта териш машинасини ремонт қилдик, — дейди Бувайда районидаги «Партия XX съезди» колхози механизатори Ўрмонжон Йўлчиев. — Аммо даларда фақат тўртта комбайн тўлиқ ишлади, холос. Ҳозир ҳам зўр бериб агрегатларни ремонт қиляпмиз. Тўғрисини айтсам, бу ишга унчалик кўнглим чопмаяпти. Ахир ишламайдиган техникани силаб-сийпайверамизми? Бизда пахтани машинабоп қилиб ўстиришга аҳамият берилмайди. Далаларни кузда эмас, кўкламда тайёрлаш лозим.

Ленинград районидаги «Социализм», «Коммунизм» колхозларида ҳам техника ремонти деярли тугалланди. Бироқ, механизаторлар ҳафсала билан ремонт қилган машиналарнинг барчаси далага чиқишига унча ишонишмайди.

Яна бир муаммо бор, — дейди «Социализм» колхози бош инженери В. Меликўзиев, — бу ижарачи ва механизатор ўртасидаги муносабат. Ижарачилар пландан ташқари маҳсулот учун қўшимча даромад олганларида механизатор унутиб қолдирилади. Бу адолатдан эмас.

Терим техникасини шай қилиб қўйган хўжаликлар областда жуда кўп. Аммо бўёқлари ялтираб турган бу агрегатларнинг барчаси далага чиқармикин? Куз ҳавоси паст келаётган жорий йилда техникадан самаралироқ фойдаланилмаса не-не машақатлар билан етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишини унутмаслик лозим.

Н. ЧЕН,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХОТИРЖАМЛИК КЕТМАЙДИ

Қашқадарёлик механизаторлар бу йилги йиғим-терим мавсумида «пўлат этак»лардан 315 минг тонна пахта тўкишга аҳд қилишган. Агар мавжуд комбайнлар кунига 3 тоннадан маҳсулот терган тақдирда ҳам терим кампанияси 25 кунга чўзилиши мумкин. Лекин об-ҳаво бунга йўл қўйишқўймаслиги ҳали номаълум.

Ҳозиргача пахта териш машиналарининг 97 проценти, мавжуд 1051 кўрак териш машинасининг 869 таси, 1267 кўрак чувиш техникасининг 1173 таси тахт қилиб қўйилган.

Эрта-индин ёппасига пахта терими бошланади. Нима учун мавжуд агрегатлар ҳанузгача шай қилиб қўйилмади? Бунинг боиси, аввало, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслигидир. Қолаверса, терим агрегатлари тиркаладиган кўпгина тракторлар ҳозиргача культивация қилиш билан банд. Бироқ техника тайёргарлиги сустлигининг бошқа сабаблари ҳам бор. Қизиғи шундаки, бир районда ёнма-ён жойлашган хўжаликларда техникага муносабат ҳар хил бўлмоқда. Баъзилар аллақачоноқ мавжуд техника ва механизмларни мавсумга шайлаб қўйишган бўлса, айрим раҳбар ва мутахассислар бу ишни ҳамон пайсалга солишмоқда.

Айрим хўжаликларда ўтган йили терим мавсуми тугаши биланоқ мавжуд техника ва механизмлар авайланиб усти ёпиқ гаражларга киритиб қўйилган эди. Чунончи Косон районидаги «Косон», Ульянов районидаги «Қашқадарё», Нишон районидаги 6-, ва Усмон Юсупов районидаги 21-совхозларнинг механизаторлари терим агрегатларини ўтган йили мавсум охиридаёқ созлаш учун райондаги ихтисослашган ремонт-ишлаб чиқариш корхонасига топширишган эди. Шу туфайли ҳам бу хўжаликларнинг омилкорлари ўз техникаларини шу бугуноқ далага чиқариш имкониятига эгалар.

Бироқ Косон районидаги 52-совхозда мутлақо тескари ҳолни кўриш мумкин. Область халқ контроли комитетининг яқинда бўлиб ўтган мажлисларидан бирида техникани йиғим-терим мавсумига тайёрлаш ишлари баъзи хўжаликларда хўжакўрсинга олиб борилаётганлиги таъкидланди. Нишон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Чўли Бегимқулов номли совхоз, Чироқчи районидаги «Москва» совхози ва «Партия XXIV съезди» колхозлари техника ремонтининг бориши ҳақида сохта маълумот беришган. Текшириш олиб борилган куни ушбу хўжаликларда биронта ҳам пахта териш машинаси мавсумга тайёр эмаслиги, созловчиларнинг самарали ишлашлари учун маданий-маиший шароитлар ҳам яратилмаганлиги аниқланди. Қизиқ, наҳотки юқоридаги хўжаликларнинг раҳбарлари кўзбўямачилик билан энг аввало ўзларини алдашаётганликларини тушунишмаса?! Фурсат кутиб турмайди. Косон, Чироқчи, Нишон районларидаги кўпгина хўжаликларда бу йилги ҳосил кеч етилаётганлиги баҳона қилининг, техника ремонти пайсалга солинмоқда.

— Бу йил область пахтазорларида ўтган йилгига нисбатан пахта териш машинаси сони 600 тага кўпаяди, — дейди «Агропромтехника» давлат кооператив бирлашмаси механизациялаш бўлими бошлиғининг ўринбосари Йўлчи Эшбобоев.

Бу қувончли ҳол. Ўйлайлик, область пахтакорлари мавжуд техника ресурсларидан имкони борича унумлироқ фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни тез фурсатларда йиғиб-териб олишади.

Н. ИСКАНДАРОВА.

● *Пахтакорга қандай ёрдам берасиз*

МАДАДКОРИМИЗ

Ўзбекистон ССР маданият министри Ў. Р. УМАРБЕКОВ:

— Қўкламдаги совуқ деҳқонлар ташвишини кўпайтириб, юмушини орттирди. Пахтакорларнинг шижоатли меҳнатларига қарамай, ғўзанинг ҳосилга кириш муддати кечикди. Бундай шароитда йиғим-теримга алоҳида тайёргарлик билан кириши ва уни қисқа муддатларда тугаллаш вазифаси кўндаланг бўлиши, табиий. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда пахта териш кампанияси билан боғлиқ ўткир масалалар юзасидан қимматли мулоҳазалар билдирилди ва мутасадди министрлик, идора, ташкилотлар зиммасига жиддий вазифалар юкланди.

Министрлигимиз бу йил ўтган йиллардагига нисбатан янгироқ режаларни амалга оширишни мўлжаллаб турибди. Зиё тарқатувчиларимиз нафақат дала шийпонлари, балки пахтакорлар хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг эҳтиёжини ўрганадилар, шундан сўнг зарур китобларни етказиб берадилар. 6588 кутубхона, 2686 маданият уйи ва клуби ходимлари қўлларидан келганча пахтакорларга маданий хизмат кўрсатадилар. 419 автоклуб мавсум давомида теримчиларга концертлар қўйиб беришади. Жойлардаги «Билим» жамиятлари билан ҳамкорликда китоб кўргазмалари уюштирилади. Маданият ва санъат арбоблари, таниқли олимлар билан учрашувлар пахтакорларда яхши таассурот қолдирса керак, деб ўйлаймиз.

Кенгаш муносабати билан Тошкент область партия комитетида ижодий меҳнат кишилари билан учрашув бўлиб ўтди. Ҳамза номли драма театри коллективи шундай таклиф билан чиқди: пахта терими ёппасига бошланган жойларда деҳқонлар талаб-истакларига қараб учрашувлар ўтказамиз, концертлар қўйиб берамиз ёки спектакль кўрсатамиз...

Эл назарига тушган хонандаларимиз ҳам бу хайрли тадбирлардан четда қолмайдилар. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Бобомурод Ҳамдамов, Ғуломжон Ёқубов, Шерали Жўраев, республикада хизмат кўрсатган артистлардан Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов, Аҳмаджон Шукуров ва бошқа таниқли санъаткорлар дала меҳнаткашларининг маданий-маиший шароитлари, яшаш тарзи тўғрисида ўзларининг ўрнини ва ўзларининг ўрнини ва ўзларининг ўрнини ва

Шумилов темир йўл станцияси яқинида чақалоқ мурдаси топилибди. Бу бахтсиз болакайнинг онаси ҳали ўрта мактабни тугаллашга ҳам улгурмаган, балоғат ёшига етмаган бир қиз экан. Бу қиз исноддан қўрқиб, дунёга келтирган фарзанди ҳаётига қасд қилибди. Қалбидаги меҳр-шафқат куртакларн юз очмай ниқирозга юз тутибди.

Бу яккаю ягона мисол бўлганида эҳтимол қаламга олиб ўтиришга ҳожат бўлмасди. Аниқланишича, пойтахтдаги биргина 12-туғуруқхонада бир йилнинг ўзида 240 она ўз фарзандидан воз кечибди. Яна 40 она болаларини кўча-кўйга, ахлатхоналарга ташлаб кетибди. Ҳозир республикамиз болалар уйларида 28 минг ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг ҳар ўн нафаридан тўққизничисининг ота-онаси тирик...

● *Кўпнинг кенгашига*

ИНСОН НОМИ МАҒРУР ЯНГРАЙДИ

...Хотиралар саҳифалари яқин ўтмиш кунларини — урушдан кейинги йилларни ёдга солади. Тошкент биқинидаги, «Қорасув» маҳалласидаги кўримсизгина хонадонимизда Люша ва Настя хола, уларнинг мен билан тенгқур болалари пайдо бўлишганида байрам бўлиб кетарди. Қишлоқ кўчаларида тупроқ тўзғитиб, арикда чўмилиб, қўрда картошка пиширб еб, маза қиладиган биз — ўйинқароқлар бу — ўзбек, рус, украин оилалари қандай биродарлашиб қолганимизни хаёлимизга ҳам келтирмасдик.

Кейинчалик, ўспиринлик пайтида техникум талабаси бўлиб Тезиков номи билан машҳур бозор ёнида яшайдиган Настя холаникига меҳмонга борганимда унинг эри Володя амаки дастурхонга нон қўяркан, бир куни «Отанг бўлмаганида билмадим ўлиб кетармидик» деб қолди. Бу сўзлар кўнглимга мустаҳкам ўрнашиб қолган бўлса ҳам ўшанда бунга унчалик аҳамият бермаган эканман. Дадамнинг яқиндаги ҳикояси ўша воқеаларни (йиллар анча хиралаштирган бўлса ҳам) лаҳзама-лаҳза гавдалантира бошлади.

...Рўзғор ташвиши онамни сут солинган идишларни кўтариб, тўрт-беш чақирим йўл босиб, шу Тезиков бозори атрофидаги мижозларникига қатнашга мажбур қиларди. Урушнинг энг қалтис йилларида бир кун Настя холаникига кириб, эри очликдан шиша бошлаганини кўради. У ўша куниёқ эрхотинни уйимизга бошлаб келади. Оиламизга асраб олинган ўспирин ва бева холамиздан ташқари яна икки оғиз қўшилади.

Қишлоқда ҳам аҳвол ниҳоятда оғир: одамлар мудофаа фондига тақинчоқ, шахсий жамғарма, мол-холларидан ташқари иссиқроқ кийим-бош, мева-чеваларини топшираётган бўлсалар ҳам бу ерда жон сақлаш, айниқса ёз-куз пайтларида осонроқ эди. Чунки томорқага экилган картошкани, маккажўхори думбулларини пишириб ейиш, ловия ва мош машоқ қилиш мумкин бўларди. Албатта, кўп оилалар лавлаги қайнатиб, олма пўстлоғидан чой дамлаб юрган пайтда бу таомлар шоҳона ҳисобланарди.

Настя холадан сўнг онамнинг иккинчи мижози Люша хола ҳам оиласи билан бизникида тез-тез «меҳмон» бўлишадиган бўлди. Оиламиз уларга энг қийин паллалар — қиш ва баҳорда ҳам бақоли қудрат кўмаклашиб турарди. Гап шундаки, дадам ўшанда комбайнчилик қиларди. Ҳикоя қилишларича, ғалла ўрими пайтида ҳар бир комбайнга район партия комитетининг масъул вакили бириктириб қўйиларкан. У ўриб, янчилган ҳар қоп дон пешма-пеш давлатга жўнатиб турилишини назорат қилиб борар экан. Комбайнчларнинг меҳнати юқори баҳоланар экан.

— Бир мавсумда шерикларимдан бири меҳнат ҳақи сифатида бир тонна ғалла олди, — эслайдилар улар. — Уни бозорга олиб бориб бир пастда килосини 100 сўмдан пуллабди. Эртасига ўша 100 минг сўмга данғиллама ҳовли сотиб олибди. Бу уй ҳозир ҳам камида 100 минг турса керак...

Дадам буни кўп такрорлайди, лекин бирор марта гапи оҳангидан афсусланганлигини сезмаганман. Данғиллама ҳовли эмас, сақланиб қолинган ҳаёт қадрли эканлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ўшанда оиламизда ночор кишиларнинг миллатини ҳеч ким суриштириб ўтирмаган. Улар ёрдамга, ҳамдардликка муҳтож кишилар эди, шу боисдан бечораларга инсонийлик муруввати кўрсатилди. Ўшанда бу биргина бизнинг оиламиз учун эмас, ҳамма ўзбек хонадонлари учун ҳам оддий воқелик эди. Етимларнинг бошини силаган, уйини, ризқи-рўзини дўстлари билан бўлишган минглаб, миллионлаб юртдошларимиз бунга ўз турмушидан кўплаб мисоллар келтира олишларига аминман.

Аммо меҳмондўст юртимизнинг энг тантиси ҳисобланган Фарғонада рўй берган воқеалар сабабларидан бири меҳр тақчиллиги эмасмикан?! Қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар — меҳр-муҳаббат, ҳамдардлик хислатларини ўзига сингдира олган одам «оммавий эҳтирос» жунбушга келтирганда ҳам шафқатсизлик сари охирги қадамдан ўзини тийишга қурби етади.

Энг инсоний фазилатлардан бири бўлган бу хислатга чанг ўтиришда сўнгги вақтларда жамиятимизда илдиз отган лоқайдлик иллати сабаб бўлди, деган фикрдаман. Аввал «амри вожиб» бошлиқ ходими ўйлаштвишлари билан иши бўлмай қўйди. Бу дард хавфли шиддек жамият бошқа хўжайраларига ҳам ёйила бошлади. Кўз ўнгимизда безори аёл ёки болага қўл кўтарса, кўрмаганга ола бошладик. Давлатнинг, яъни халқнинг, сиз билан бизнинг мол-мулкимизни ўмариб, бемалол ҳазм қилаётганлар билан ишимиз бўлмай қолди. Астасекин уларга қойил қоладиган, улардан ҳатто ибрат оладиган бўла бошладик...

Лоқайдлик Фарғона фожиасининг асосий «қаҳрамон»ларидан биридир деб ўйлайман. Бизда бу иллат шунчалик чуқур илдиз отмаганида ўзини камситилган, таҳқирланган деб ҳисобланган оломонни тўхтатиб қолиш учун водийга қўшин чақириш, комендантлик соати жорий қилиш шартмиди? Матбуотда бу оломондаги одамлар сафи бир неча мингтага етди, деб ёзилди. Лекин ҳар бир районда бундан бир неча ўн, юз баробар кўп аҳоли яшайди-ку!

Программаларимизда «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун», дедигу табиий бойликларни келажак авлоднинг тақдирини ўйламай талончилардек талайвердик, атроф-муҳитни булғаб, заҳарлайвердик, расман қабул қилинганидан бошқа фикрлашни ақлдан озиш билан тенглаштиришга уриндик.

Ҳайриятки, кеч бўлса ҳам умуминсоний қадриятлар борлигини, оқибат натижада улар биринчи ўринда туришини тан олдик. Шиорлардан, ваъзхонликдан амалий ишларга ўта бошладик.

Бундан беш-олти йил илгари атом қуроли синаладиган жойни ошкор қилсангиз давлатга ҳиёнат қилишда айбланишингиз мумкин эди. Ҳозир бу синов полигонлари ҳақида очиқ ёзилмоқда, халқимиз вакилларининг ўзи энг мўътабар минбарлардан туриб атом бомбасини портлатишларни ман қилишни талаб қилмоқдалар. Бу ҳаққоний талаб эканлиги ҳам тан олинянти. Ахир, нима учун фақат хориждагина атом портлатишларига норозиликлар билдирилади? Нима, бизнинг табиатимиз билан ҳисоблашмаса бўлаверадими?

Янада диққатга сазовори, бизнинг «кўкатпарвар»ларнинг ҳам қудратли нозирликлар ва идоралар, маъмурлар билан очиқ тўқнашувларда қўли баланд келаётганидир. Бўстонликда «мутлақо зарарсиз» деб таърифланган, пойдеворлари қўйила бошланиб, миллион-миллион пул сарфланиб қўйилган улкан корхона қурилишининг тўхтатиб қўйилганлиги бунинг яққол мисолидир. Табиатимиз тақдири учун бу ғалаба мудофаага тааллуқли нозирлик билан тортишувда эришилганлигини асло унутиб бўлмайди.

Жамият ўз аъзоси, унинг турмуши томон юз бурса энг мураккаб муаммоларни ҳам ҳал қилиш мумкинлигини СССР Олий Совети биринчи сессиясининг якунлари яққол исботлади. Мамлакатнинг молиявий аҳволи ночор бўлишига қарамасдан энг кам пенсия оладиган қарийб 40 миллион кишининг пенсия миқдорини ошириш учун маблағ топилди-ку!

Инсоний меҳрга, ҳамдардликка ташналик ҳар кунги воқелигимизда ўз ифодасини топмоқда. Биргина болалар фонди қанчадан-қанча етимларнинг, шу жумладан, тирик етимларнинг ҳам мусибатли болалигини енгиллаштириш учун нақадар хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Ижтимоий ўзаро ҳамкорликка интилиш натижасида Тошкентда «Меҳрибонлик» жамияти ҳам қарор топмоқда. Бу жамоатчилик уюшмаси майиб-мажруҳлар дардига малҳам бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жамият бундай кишиларни даволаш, фаол ҳаётга жалб этиш учун курашмоқда. «Матонат» футбол командаси ташкил этилиб, чарм тўп ихлосмандлари ҳатто америкалик ҳамдардлари билан куч синашганлари бу режалар хомхаёл эмаслигидан далолат. «Меҳрибонлик» майиб-мажруҳлар учун корхоналар ташкил этиш, доривор ўсимликлар, сабзавот етиштириш, асаларичилик билан шуғулланишни ҳам кўзлаб қўйган. Бу тадбирларнинг ҳар бирини рўёбга чиқариш осон кўчмаяпти. Бироқ жамиятимиз меҳр тақчиллигини ҳис қила бошлаганлигининг ўзи одамларда эзгуликка хайрихоҳ бўлибгина қолмасдан, бу ишда бевосита иштирок этиш, амалий ҳисса қўшиш иштиёқларини уйғотмоқда.

Шу ўринда республикамизда меҳр-шафқат фондини ташкил этиш пайти келди, деган фикрдаман. Тўғри, ҳозирги вақтда нима кўп, турли фондлар кўп. Бироқ меҳрга, ёрдамга муҳтож инсонга ҳайрия жуда-жуда зарурлигини ҳисобга олайлик. Уларнинг муаммоларини фақат давлат ҳомийлигида ҳал қилиш учун яна неча йиллар, беш йилликларни кутиб ўтириш тўғрими?

Бу ҳайрия ишида ижодий уюшмалар, касаба союзлар ва комсомол, хотин-қизлар комитетлари иштирок этишлари мумкин.

Албатта, бунинг учун маблағ, ончагина маблағ керак. Бу пулни топиш йўллари оз эмас. Лекин бизда ташкилотчилик етишмаслиги оқибатида бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаймиз. Бирор санъаткор меҳр-шафқат фонди фойдасига ҳайрия концертида иштирок этишдан бош тортмаса керак. Ижодий уюшмаларимиз ҳам бу ишдан четда қўл қовуштириб ўтиришларига ишонмайман. Республика ҳукумати ҳамкорлигида меҳр-шафқат фондининг лотереясини чиқариш имконияти бор. Қолаверса бутун республика меҳнат аҳли йилда бир кун меҳрга муҳтож юртдошлари учун шанбаликка чиқиши мумкин эмасми?!

Таклиф маъқул бўлса кўпнинг кенгашига қўйиш, бошқа газетхонларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам эшитиш фойдадан ҳоли бўлмасди. Бугунги кунимизни инқилобий янгиланиш даври деяпмиз. Инқилоб кескин ўзгартиришларни, қатъийликни талаб этиши маълум. Аммо худди ана шу давримиз ҳаммадан кўра сабот, меҳр-шафқатни талаб этади. Халқимизнинг бутун тарихи, алломаларимизнинг доно ўгитлари саховат билан суғорилганлигини ёдда тутайлик, юртимизда меҳрибонлик тўла қарор топсин.

Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Спорт

ВЕЛОПОЙГА:

МАРРАДА БИРИНЧИ

Москвада олимпиадага тайёргарлик марказларининг спортчилари ўртасида СССР биринчилиги ўтказилди. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган республикамиз ўсмирлари совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Чунончи 25 оралиқ маррали, 100 даврали группа пойгасида тўрт спортчи финалга чиқди. А. Зайцев, С. Новиков, В. Иляхин, А. Кострамитинлар марра йўлида ҳамкорликни ўрнига қўйишди. Натижада А. Зайцев мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди. С. Новиков бронза медали совриндори бўлди.

Футбол майдонларида

● БИРИНЧИ ЛИГА. Мамлакат чемпионатининг 32-тур ўйинлари ниҳоясига етди. Пешқадам пойтахт армиячилари сафарда яна бир очко йўқотишди. Бу гал армиячилар «Ростсельмаш» майдонида ўйнаб (0:0), мавқеларини бироз бўшаштиришди. Улар 47 очко билан олдинда боришмоқда. «Гурия» коллективи пешқадамликка даъвогарлик қилмоқда. Ланчхути футболчилари «Карпати» командасини қабул қилиб (3:2), очколарини 44 тага етказишди. Қайратчилар ҳам бўш келишмаяпти. Улар торпедочиларни 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Олмаоталик футболчилар 42 очко билан учинчи ўринда боришмоқда. Пахтакорчилар эса бир погона пастлашди. Бонси ўз майдонларида «Котайк» футболчилари билан ўйнаб (1:1), бир очко йўқотишди. Улар ҳисобида 36 та очко бор. Ставрополь динамочилари эса «Даугава» коллективидан устун (2:1) келиб, 37 очко билан тўртинчи ўринга кўтарилишди. «Факел» ҳисобида 36 та очко бор. «Нефтчи» 35 та очко тўплади.

● ИККИНЧИ ЛИГА. Ўзбекистон зонасига кирувчи коллективлар ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари Қўқонда «Автомобилист» коллективи билан ўйнаб (0:1), имкониятни бой беришди. Жиззахнинг «Ёшлик» командаси эса соҳибкорчилардан устун (4:0) келиб, очколарини 43 тага етказишди. «Нефтяник» ҳисобида ҳам шунча очко бор. Ҳар иккала коллектив пешқадамлик қилмоқда. «Зарафшон» 37 та очко тўплаган. «Копетдоғ» футболчилари ҳисобида 35 та очко бўлиб, тўртинчи ўринда боришмоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА! ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА БОШҚАРМАСИ

Иморатлар ва уй ҳайвонларини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта пулларини тўлаш муддати

1989 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДА ТУГАШИНИ

ЭСЛАТАДИ

Белгиланган муддатгача тўланмаган суғурта пули бой берилган ҳар бир кун учун суғурта пулининг 0,1 фоизи ҳисобидан устама ҳақ олиниб ундирилади.

Сизлардан суғурта пулини ўз вақтида тўлашни илтимос қиламиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

СССР Давлат агросаноат комитети

АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

1989-1990 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

мелиорация ишларини механизациялаш, гидромелиорация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш ихтисосликлари бўйича

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни тугатган, 34 ёшдан ошмаган, камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлган, қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳасида ишловчи ишчилар, колхозчилар, шунингдек Совет Армияси сафидан қайтган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун йўлланма колхозчи ёки ишчи сифатидаги амалий иш стажи шу корхонада охирги 1 йил мобайнида узлуксиз бўлган шахсларгагина берилади (шогирд сифатидаги иш стажи тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди). Ўқиш учун йўлланма олган колхозчилар ҳар бир йил учун шу колхознинг иш куни минимумини бажарган бўлишлари зарур.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика ва йўлланма, меҳнат дафтарчасидан корхона ёки хўжалик раҳбари тасдиқлаган кўчирма, медицина справкаси (086/У форма), 3х4 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Аризалар 20 ноябргача қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар учун физика ва математика фанларидан ўрта мактаб программаси асосида 21-24 ноябрь кунлари суҳбат ўтказилади.

Тингловчилар рўйхатига киритиш 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Тайёрлов бўлимини тугатиб, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар институт кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: Андижон области, Андижон райони, Қуйганёр посёлкаси, Андижон пахтачилик институти, тайёрлов бўлими.

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗИНБАНК»

КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРГА

энг сўнгги замонавий моделдаги «ОКИФАКС» ОГ-17 ва ОГ-27 маркалардаги факсларни ўрнатишни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ФАКСЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯПОНИЯ ФИРМАСИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ.

Ижара шароитларида муддат узайтирилганлиги учун ҳақ икки йил мобайнида олинади. Икки йил муддат ичида ҳақ тўлаш 1-категориядаги 5 минг валютани ва 5 минг совет пулини ташкил этади.

Бу сизларга исталган чет эл ва совет шерикларингиз билан зудлик билан боғланиш ва барча ўз муаммоларингизни тезлик билан ҳал этиш имкониятини беради.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700027, Тошкент шаҳри, Бешёғоч массиви, 7-уй.

Саноат қурилиш банкининг Ҳамза район бўлимидаги ҳисоб-китоб счёт номери 000161102. «Ўзинбанк»нинг «Лизинг» фирмаси. Телефонлар — 45-03-35, 45-03-02.

●

«ВОСТОК» КОММЕРЦИЯ-КООПЕРАТИВ БАНКИ

давлат ва кооператив ташкилотларига банк хизмати кўрсатади;

имтиёзли шартлар билан қисқа муддатли кредитлар беради;

ташкилотлар ва аҳолининг ортиқча маблағларини йилида камида 5 процент фойда тўланадиган тарзда қабул қилади.

«ВОСТОК» БАНКИ — СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИГИНГИЗДИР!

Адрес: Тошкент шаҳри, Фигельский кўчаси, 86-уй.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари «ҳайвонлар анатомияси ва физиологияси» кафедрасининг мудири П. А. Мўминовга акаси

Вафо Арабович МУМИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми коллективи Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси, Республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Латиф ТАБИБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

● *Шоир дафтаридан*

Момо истаги

Сталин ўлганда йиғладинг, шоир:
«Оҳ энди мен кимни мадҳ этай шеърда!»
Шунда шоирга дер мункайган кампир:
«Аноя чўпонин ёз, қўй боқар қирда,
Сенга сут-қатиқни бериб ҳар нафас,
Эвазига шеърлар кутмаган бир он.
У сенинг отангни ўлдирган эмас,
Ва онанг умрини этмаган хазон.
Сталинни кўпроқ ўйладинг, шоир,
Ва лекин у сени ўйлаган эмас.
Тарих китобини варақда, ахир,
У чўпондай шиғрни сўйлаган эмас».

Гиёҳвандга хат

Сенга хат етмоқлик осонмас, мушкул,
Изтироб ўтида куяди қалам.
Чунки, сендан юзин яширади гул
Чунки, сендан ҳазар қиладн кўклам.
Сендан юз ўгирган Навоий бобом,
Сендан нари юрган Беруний устоз.
Сенга бегонадир завқ ила илҳом,
Сенга бегонадир оҳанг ила соз.
Кўзингни кенг очиб, оламга қара,
Оламга кўрк бериб яшар не-не мард.
Қарғанинг боласи лочинмас, қарға,
Отангнинг қонидан ўтганми бу дард!
Баъзида кулгасан соянга қараб,
Лекин соянг кулмас, сен бундан ҳайрон.
Баъзида йиғлайсан соянгга қараб,
Соянг йиғламайди, сен бундан гирён.
Сен мўрч — дудингдан қочаман йироқ,
Сен илон — заҳрингдан қўрқаман чунон.
Сен ҳасад — йўлларда турган тўғаноқ,
Сен разил — макрингдан қуяди ғимон.
Умид тулпорини елдириб мудом,
Даврнстиқболга шошар ҳар нафас.
Ё бугун, ё эрта бўласан бадном,
Чунки гиёҳвандлар омонлик топмас.

Ёдгорлик қаршисида

Брестнинг ҳар ғиштида
Қонн қотганлар учун,
Ялмоғиз танк остида
Ўзни отганлар учун,
Яшамоқ орзусини
Ёниб суйганлар учун,
Бухенвальд печларида
Тутаб, куйганлар учун,
Рейхстаг теппасига
Байроқ тиккانлар учун,
Фашист отлн забони
Енгиб, йиққанлар учун,
Сержнн юзларида
Кўз ёши бўлиб дона,
Ёдгорлик қаршисида
Сукут сақлайди она!

ҲАМРОҚУЛ РИЗО.

Бухоро областидаги «Бухорча» ансамбли шу кунларда ўзининг ранг-баранг номерлари билан халқ ўртасида анча машҳур бўлиб қолди. Ишчи ва хизматчилардан ташкил топган бу коллектив областнинг турли шаҳар ва қишлоқларида санъат ихлосмандларига яхши хизмат кўрсатмоқда.

Суратда: ансамбль қатнашчилари.

Н. Муҳаммаджонов сурати.

● *Қуюнчак газетхон мактуби*

Лоқайдлик токайгача?

Мамлакатимизда қайта қуришнинг бошланганига ҳам тўрт йил бўляпти. Бу давр ичида ошкоралигнинг амалга ошириллганлиги, ҳар ким ўз фикр, мулоҳаза ва таклифини очиқчасига айта олиши мумкинлиги кишини мамнун этади. Бироқ кутилган мақсадга эришишдан назаримда ҳали йироқдамиз.

Мана, менинг дардмандлик тарихим. 1976 йилнинг кузида грипп хасталиги билан оғриб қолдим. Касалликни оёқда ўтказиб, ишлайвердим. Оқибатда бронхит бўлдим ва у пневмонияга айланиб кетди. Бронхиал астма билан 1977 йил баҳорида оғир аҳволда 1-шаҳар касалхонасининг хирургия бўлимига ётдим. Бу ерда мени дастлаб Ж. Каримов ўлимдан қутқариб қолди. Яхши даволаниб чиқдим. Шунда врачим астма қайталаган вақтда ҳам асло гармонли дорилардан фойдаланмасликни қатъий тайинлагандилар. Бироқ орадан кўп ўтмай тез-тез касалхонага ётадиган бўлиб қолдим.1982 йили шаҳар касалхоналаридан бирида узоқ тузалавермаганлигимни баҳона қилиб, эътирозимга қарамай, синаб кўриш шарти билан менга «гидрокартизон» қилишди. Мен энди касалхонадан чиқмайдиган бўлиб қолдим. Кейинги йил ёзида 15 (ҳозирги 2-) шаҳар касалхонасининг терапия бўлимига оғир аҳволда тушдим. Ўша вақтдан бошлаб, мазкур шифохонанинг муттасил даволанувчисига айландим.

Бундан тўрт йил илгари америкалик мутахассис Брегнинг «Чудо голодание» китобидан кўчирмаларни ўқиб қолдим. Менда ҳам очлик билан даволаш усулига қизиқиш уйғонди. Чунки бунда мантиқ бордек туюлди. ТошМИнинг физиология кафедрасига бориб, шу усул асосида мен билан шуғулланишларини илтимос қилдим. «Бу илмий асосланган эмас» деб рад жавобини беришди. Марказий телевидениенинг «Здоровье» кўрсатувига мурожаат қилдим. Бироқ у ердан ҳам «бу илмий метод эмас, бизда ҳеч ким шуғулланмайди, сизга синаб кўрилган терапевтик усуллар билан даволанишни тавсия этамиз», деган жавоб қайтаришди.

Аслида эса СССР Соғлиқни сақлаш министрининг буйруғига асосан Ленинграддаги пульмонология илмий-текшириш институтида 1973 йилдан бери бронхиал астмани очлик билан даволаш — «разгручно-диетическая терапия» (РДТ) усули 1981 йилгача синаб кўрилган ва у яхши натижалар берган экан. Энди шу усул билан мустақил даволаниш ишга аҳд қилдим. Дастлаб самараси ҳадеганда сезилавермади. Лекин бора-бора инвалидликдан қутилдим. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ВТЭК комиссияси ишининг ўзи инсонни камситишдир. Инвалидлар орасида ойига 18, 32, кўпи билан 45 сўм нафақа олувчилар бор. Уларга ғамхўрлик қилиши керак бўлган мутасадди ўртоқлар эса ҳақиқий аҳволни билмайдилар, билишни истамайдилар ҳам.

Мана, мазкур усул билан мустақил даволаниш натижасида икки йилдан буён касалхонага ётаётганим йўқ. Демак, лоқайд бўлмай, кўпроқ изланиб, ўрганиб, сўнг татбиқ этиш билан, беморларни даволасак, турли хасталиклар билан оғриган қанчадан-қанча одамлар жамиятга фойда келтирса, ишлаб чиқаришга қайтса ёмонми? Бунда инвалидликка, касаллик варақасига сарфланадиган пул давлат хазинасига қоларди. Аммо баъзи масъул ўртоқларнинг лоқайдлиги оқибатида ҳануз бу йўл-йўриқлар амалга ошмаяпти. Мамлакатимизда синаб кўрилган, яхши натижалар бераётган РДТ ҳамда К. Бутейконинг чуқур нафас олишни йўқ қилиш йўли билан даволаш усуллари республикамизда деярли қўлланилмаётгани кишини ажаблантиради.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигидаги мутасаддилар хасталикдан эзилганларга лоқайдлик билан эмас, ҳақиқий инсон юраги билан қарашини истардим. Шу билан бирга, фикримча, Соғлиқни сақлаш министрлигининг республика пульмонология марказини сил касалликлари билан оғриган беморлар даволанаётган ердан бошқа ерга кўчириб, унинг қошида Ленинграддаги пульмонология институтининг филиали ташкил этилса, нур устига нур бўлар эди. Чунки экологик танглик орқасида республикамизда кейинги йилларда болалар ва катта ёшдагилар орасида нафас йўли касалликлари тобора кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

1-, 2-шаҳар шифохоналарида, ТошМИ клиникасида ва бошқа шифохоналарда пульмонология бўлимлари мавжуддир. Ана шу бўлимларда бронхит астма ва бронхит билан оғриган беморларни даволашда РДТ ва К. Бутейко усуллари билан даволаш кенг йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

М. КАРИМОВ,
Ўзбекистон «Кибернетика» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасининг инженери.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордели босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилади.

Р — 04441 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12